ЎЗБЕКИСТОНДА МАДРАСАЛАР ВАҚФ МУЛКЛАРИНИНГ ЭКСПРОПРИАЦИЯ ҚИЛИНИШИ ВА ТУГАТИЛИШИ

(XX АСРНИНГ 20-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

О.К.КОМИЛОВ

В этой статье, основываясь на сведениях, имеющихся в научной литературе, материалах периодической печати и архивов, освещен процесс экспроприации и ликвидации вакуфного имущества медресе, действовавших в Узбекистане в 20-е годы XX века.

This article is based on the items of information available in the scientific literature, materials of a periodic press and archives, the process expropriation and liquidation vakuf property maderehs, working in Uzbekistan in 20 years XX of century.

Ислом диний таълимоти нуқтаи назаридан вақфлар хайрия мулклари ҳисобланиб, улар, асосан, хайрия ишлари учун таъсис этилар эди. Шунингдек, улар мадрасаларнинг иқтисодий асоси вазифасини ҳам ўтаган. Таъкидлаш жоизки, XX аср 20-йилларининг иккинчи ярмида ҳам мадрасалар маълум тарзда фаолият олиб борди. Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг, большевиклар томонидан вақфларни давлат ихтиёрига мажбурий йўл билан ўтказиш, яъни экспроприация қилишга ҳаракат қилинди.

Вақф мулкларининг давлат ихтиёрига ўтказилиши 1917 йил октябрь тўнтаришидан сўнг бошланди. Бу масала советларнинг 1917 йил 26 октябрдаги II Бутунроссия съезди қабул қилган “Ер тўғрисида”ги декрет[1;13]га асосланди, чунки унга кўра барча ерлар, жумладан, черков, диний муассасаларнинг ерлари ҳам “умумхалқ мулки” деб эълон қилиниб, ерга бўлган хусусий мулкчилик бекор қилинган эди.

1918 йилда Туркистонда Миллатлар халқ комиссарлиги таъсис этилди, декабрь ойида эса Миллатлар халқ комиссарлигида вақф мулкларини бошқариш бўлими тузилди [2;8]. Миллатлар халқ комиссарлиги ходимлари ўз фаолиятларининг дастлабки кунлариданоқ вақфларни давлат мулкига айлантириш тарафдори бўлди. Комиссарлик раҳбарларининг фикрича, совет ҳокимиятининг қонунлари билан, жумладан, ер ҳақидаги декрет билан ишлаб чиқариш воситасига, ерга бўлган хусусий мулкчилик тугатилди, шу сабабли вақф ерлар ва бошқа мулклар давлат мулкига айлантирилиши керак эди [3;5].

Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Комитетининг 1920 йил 26 февралдаги қарорига кўра, вақфлар Маориф халқ комиссарлиги тасарруфига берилди [4;1,2].

Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлиги коллегиясининг 1920 йил 6 мартдаги мажлисида вақф бўлимини тузиш масаласи кўриб чиқилди. Коллегия ўз қарори билан вақф бўлимини ташкил қилди, мудирлик вазифаси вақтинча Мунаввар Қори Абдурашидхоновга юклатилди ва унга вақф бўлими мудирлигига номзод топиш масаласи топширилди [5;118]. Мунаввар Қори тавсиясига кўра, Маориф халқ комиссарлиги қошидаги вақф бўлими мудирлигига Б.Хўжаев тайинланган. Тез орада Маориф халқ комиссарлиги “Вақфларни бошқариш тўғрисида Муваққат Низом” ишлаб чиқди[5;128,132]. Низомда кўрсатилишича, вақфларни идора қилиш учун Маориф халқ комиссарлиги қошида Марказий вақф бўлими ташкил қилинган. Мадраса, масжид ва бошқа диний ташкилотлар вақф мулкларини бевосита бошқариш икки кишидан иборат коллегия билан бирга мутавалли зиммасига юклатилган.

Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг 1920 йил 26 февралдаги қарорида вақф мулклари даромадидан қандай мақсадларда фойдаланиш тўғрисида аниқ кўрсатмалар берилмаганди. Туркистон ҳукуматининг вақфларга тегишли бўлган кейинги қарорларида бу масалага озроқ бўлса-да аниқлик киритилди. 1920 йил 14 апрелдаги РКП (б) МК Туркистон ўлка комитетининг ер масаласи бўйича тезисларида: “Вақф мулклари ер ишлари халқ комиссарлиги ихтиёрига берилади. Бу ерлардан тушадиган даромадлар маориф комиссарлигига берилади ва мусулмон аҳолиси орасида маданий-

маърифий ишлар олиб бориш учун фойдаланилади”[6;108] – дея сўз юритилган.

Туркистон Республикаси МИКнинг 1920 йил 17 ноябрдаги “Туркистон Республикасида ердан фойдаланиш ва ер тузилиши ҳақида”ги Низомга асосан, Туркистон ҳудудидаги барча ер ва сув, ким томонидан фойдаланилишидан қатъи назар, давлат, халқ мулкига айлантирилди. Жумладан, “Вақф ерларининг ҳаммаси болалар боғчалари, етимхоналар, коммуна-мактаблар ва бошқа маданий-маърифий ташкилотлар ташкил қилиш учун Мориф халқ комиссарлигига ўтади, бу мақсадлар учун фойдаланилмаганлари эса умумий тартибда ер тузиш ишларига берилади”[7;38],– деб кўрсатилди. Ҳукуматнинг бу низомида вақф ерлари давлат мулки эканлиги қайд этилди ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи Мориф халқ комиссарлигига берилди. Ана шу тариқа, 1920 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб Туркистондаги мадрасаларнинг иқтисодий асосини ташкил этган вақф ерлари давлат тасарруфига ўтказилди [8;17]. Бу эса маҳаллий мусулмон аҳолиси ўртасида маълум норозилик кайфиятини келтириб чиқарди.

Ўрта Осиёда қуролли қаршилик ҳаракатининг кучайиб бориши ҳукумат ва партия органларини ҳам ташвишга солди. РКП(б) Марказий Комитети 1922 йил 18 майда “Туркистон – Бухоро ишлари ҳақида” қарор қабул қилиб, унда маҳаллий совет ва партия органларига “Вақф ерларини уларнинг собиқ эгаларига қайтариб бериш зарур”, деб кўрсатма берди. Марказнинг вақф тўғрисидаги бу муҳим йўл-йўриқларини Туркистон Марказий Ижроия Комитети 1922 йил 26 майдаги Пленумида муҳокама қилди [9; 952].

1922 йил 20 июнда Туркистон МИКнинг “Туркистон Республикаси мадраса ва масжидларига вақфларни қайтариш тўғрисида” ги 75–сонли декрет чиқарилган [10; 145,149]. Унга кўра, вақфлар аввалги эгаларига қайтариб берилди.

1922 йил 29 октябрда Туркистон Компартияси МИКнинг Республика Ички ишлар, Ер-сув ишлари ва Адлия халқ комиссарликлари ҳайъатлари вакиллари билан йиғилиши ўтказилди. Унда У.Эшонхўжаев, И.Хидиралиев, А.Соловьев ва Адлия халқ комиссарлиги вакилидан иборат комиссия ҳайъати тузилди[11;18]. Комиссия ўз ишида вақфлардан тушадиган даромадларнинг асосий қисмини мадрасаларга сарфлашни таъминлаш, вақф мулкларининг амал қилиш муддатлари ва кейинчалик давлат ихтиёрига ўтишини белгилаб берди[12; 297].

1922 йил 28 декабрда Туркистон МИКнинг 173-сонли “Вақфлар тўғрисида”ги янги декрети имзоланган. Унга кўра, 1922 йил 20 июндаги 75-сонли декрет бекор қилинди. Бу декретга кўра, вақф мулклари тегишли бўлган идоранинг йўналишига қараб ажратилди, яъни диний мақомга эга бўлган маданий-оқартув ва ҳомийликка сарфланадиган мадраса, мактаб, етимхона, мозорларга тегишли вақфлардан ўз эҳтиёжлари йўлида фойдаланишига рухсат этилди. 1923 йил 11 январда 173-сонли декретга мувофиқ Туркистон АССР Мориф халқ комиссарлиги қошида Бош вақф бошқармаси ва унинг бўлимлари ташкил этилди [13;2]. Бошқарма ташкилий-ахборот, академик (илмий муассаса), молия-хўжалик бўлимларидан иборат бўлди. Бош вақф бошқармаси штатлар таркиби 14 кишидан, вақф бўлимлари 12 нафар шахсдан иборат қилиб белгиланди. Бош вақф бошқармасининг асосий вазифаси қилиб вақф мулкларини ҳисобга олиш, вақфларнинг асл ҳужжатларини текшириш, шунингдек, мадрасаларни совет тарзида қайта қуриш, улардаги маданий-оқартув ишларини назорат қилиш ишлари белгиланди [14;81]. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Бош вақф бошқармаси томонидан тегишли чоратадбирлар белгиланган. Мадрасаларни қайта қуриш ва уларда маданий-оқартув ишларни ташкил қилиш дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилинган. 173-сонли декретнинг 14-бандидаги иловасига кўра янги дастурларни қўлламаган мадрасалар вақф даромадларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

Мадрасалар ҳамда бошқа диний муассасаларнинг вақфларидан олинадиган даромадлардан фойдаланиш тартиби совет ҳокимиятининг доимий диққат марказида бўлди. Бунга далил сифатида Туркистон Республикаси ХКСнинг 1923 йил 17 мартдаги кенгайтирилган йиғилишини келтириш мумкин. Мазкур йиғилишда вақф маблағлари ҳақидаги масала муҳокама қилинди. ХКС маданий-маърифий аҳамиятга эга бўлган вақфларнигина тан олиш зарур деган қарорга келди. Бу маблағлар биринчи навбатда совет мактабларини таъминлашга йўналтирилиб, уларнинг бир қисмигина мадрасалар учун ажратилган эди [14;89]. Бундан шуни кўриш мумкинки, совет ҳукумати 1923 йилдан бошлаб мадрасалар фаолиятини тугатиш мақсадида уларнинг иқтисодий асосини чеклашга киришган. Бош вақф бошқармаси совет ҳукуматининг бу сиёсатини бевосита амалга ошириш ва уларни советлаштириш вазифасини ўтаган.

1923 йил 19-20 июнда Туркистон АССР Советларининг XI съезди бўлиб ўтди. Унда ХКС ва область ижроия комитетлари қарорларининг

ижроси муҳокама қилинган. Бу ишни амалга оширишда Бош вақф бошқармасининг роли катта бўлган. Советларнинг XI съезди қарорида, жумладан, миллий маориф масаласи ҳам кўрилди. Съезд қарорида: “Вақф масаласи, вақф мулклари даромадларидан биринчи галда, совет ва янги усул мактабларининг қуйи босқичларидан бошлаб имкон қадар фойдаланиш йўли билан ҳал қилиниб, руҳонийларга қарши курашиш мақсадида янги усул мадраса, мактаб, маориф ишларида миллий зиёлилардан фойдаланишга кенг имкон берилсин”[14; 81],-деб таъкидланган эди.

1923 йил сентябрдан ислоҳ қилиниб, янги усулда ишлашга ўтган мадрасаларда таълим-тарбия ишларини бевосита бошқариш мутавалилар зиммасида қолди. Маданий-маърифий муассасалар қатори мадраса мутаваллиларини ҳам вақф бўлими тайинлайдиган бўлди [14;157]. Маориф халқ комиссарлигининг 1923 йил 6 декабрдаги маърузасида шундай дейилган: “Бош вақф бошқармаси томонидан мадрасаларни советлаштириш ва уларни таъминлашга, шунингдек, 65 фоиз маблағ биринчи босқич тўққиз йиллик мактаблар бинолари, 20 фоиз маданий-маърифий муассасалар қурилишига, 15 фоиз хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган бўлди”[14;89]. 1923 йилда Бош вақф бошқармасининг кўпгина вақф бўлимлари ихтиёрига ўтган 10.000 десятина вақф ерлари 1924 йилнинг бошларида камбағал деҳқонларга бўлиб берилган [14;82].

XX аср 20-йиллари ўрталаридан мадрасаларнинг устидан ҳам совет ҳукуматининг назорати кучайиб кетган. Республиканинг кўплаб шаҳар ва туманларида мадрасаларнинг ички ишларига аралашиш ҳамда уларни зўрлик билан ёпиб қўйиш ҳоллари кузатилган. Масалан, Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмида жойлашган Кесак Қўрғон мадрасаси талабалари совет ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан зўрлик билан ҳайдаб чиқарилган ва ҳужралар муҳрлаб қўйилган. Мадрасанинг мударриси ўша куниёқ ҳибсга олинган[15;43]. 1923-1924 йилларда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатган 10 та мадраса мажбуран ёпиб қўйилди [16;37]. 1924 йил 1 январдан Туркистондаги 212 та мадраса Бош вақф бошқармаси томонидан рўйхатга олиниб, уларнинг аста-секин ёпилиши бошланган. Уларнинг бинолари янги совет мактабларига мослаштирилиб қайта қурила бошланди [13; 54]. Мадрасаларнинг ўқув дастурларидан диний фанлар бутунлай сиқиб чиқарилди.

Ўзбекистон Бош вақф бошқармасининг 1925 йил бошларида собиқ Туркистон Республикасида вақфларнинг аҳволи тўғрисида раҳбар идоралардан бирига ёзган маърузасида мадрасаларни ислоҳ қилишнинг якуни ҳақида шундай дейилган: “Бош вақф бошқармаси ташкил қилинган кундан бошлаб 8 та мадраса, 30 га яқин мактаблар ислоҳ қилинди. Қолганлари, шунингдек, қорихоналар ҳам ёпилди ёки вақф даромадидан олиб ташланди. Уларнинг ёпилишига сабаб шу эдики, кўплаб мадраса, мактаб ва қорихоналарнинг бино ва хоналари ҳозирги мактабларга бутунлай мос эмас, уларни қайтадан қуриш катта маблағ талаб қиларди, шунингдек, мадрасаларда талабалар сони унчалик кўп бўлмаган. 1924 йил 1 апрелдан эса ислоҳ қилинган мадрасалар Маориф халқ комиссарлигининг ягона-меҳнат (совет) мактабининг II босқичига ўтказилди. Тошкент, Фарғона ва Самарқанд ҳудудларидаги диний мусулмон мактаблари – мадраса, мактаб, қорихоналар ҳозирги кунда вақф маблағидан таъминланмайди”[17;652].

ЎзССР МИКнинг 1925 йил 18 январда қабул қилган қарори ҳамда ўша йили декабрь ойида Тошкент Эски шаҳар ижроия комитети томонидан чиқарилган “Эски усул мактаб, мадраса ва қорихоналар ислоҳоти тўғрисида”ги қарорга мувофиқ совет вақф идоралари тажовузкорона тортиб олган диний вақф мулкларидан, шунингдек, мадраса ва бошқа диний ташкилотлар мулкларидан тушган маблағлар, асосан, совет мактабларини ҳамда бошқа ўқув юртларини таъминлашга сарфланган. 1925 йилда 4946 ўқувчи ўқиётган 113 совет мактаби вақф маблағи ҳисобидан таъминланган [18; 147].

1925-1926 йилларда Фарғона, Тошкент ва Самарқанд областларида ўтказилган ер-сув ислоҳоти жараёнида бойлар ва давлат ерлари билан бирга маданий-маърифий вақф ерлари ҳам давлат ер фондига ўтказилиб, камбағал деҳқонларга бўлиб берилган эди. Бу ислоҳотга тайёргарлик ишлари 1925 йил февралда бўлиб ўтган Ўзбекистон советларининг I съезди қарорига асосан бошланган. У Ўзбекистон ҳукумати олдига қуйидаги вазифаларни қўйди: “Собиқ Туркистон, ҳудудининг Ўзбекистон қисмидаги ерларни ҳисоблаш ишлари янги хўжалик йилининг бошланишига янада кучайтирилсин ва тугатилсин. Шу муддатда ва шу ҳудудда давлат ҳамда вақф ерларини (узоқ муддатга ижарага берилмаганларини) аниқлаш тугатилсин ва 1925 йил кузидан бу ерлардан кам ерли ва ерсиз деҳқонларга ер бериш ишларига киришилсин”[19;86].

ЎзССР Марказий Ижроия Комитети 1925 йил 2 декабрда “Ер-сув ислоҳоти тўғрисида” декрет қабул қилди [20; 15,18]. Шу декрет асосида Фарғона областида 40 десятинадан ортиқ, Тошкент ва Самарқанд областларида 50 десятинадан ортиқ суғориладиган ери бўлган помешчик типидаги хўжаликларнинг барча ерлари, шунингдек, ерларини ишчи кучи ёллаб фойдаланадиган йирик савдогарлар, шаҳарда яшайдиган тадбиркор фуқаролар ерлари батамом мусодара қилинди.

Ўзбекистонда мадрасалар вақф мулкларини тугатиш масаласи иккинчи бор ХКС ва МИК тасдиғига “Вақфлар тўғрисида”ги янги декрет лойиҳаси киритилганда, кейинчалик 1925 йил 19 декабрда ЎзССР МИК “Вақфлар тўғрисида”ги қарор қабул қилинганда анча қатъийлик билан қўйилган эди.

1925 йил 19 декабрда Ўзбекистон ССР МИК “Вақфлар ҳақида”ги 168-сонли қарор [21;1] қабул қилди. Ушбу қарорга кўра маданий-маърифий, ижтимоий фойдали мақсадларда таъсис этилган вақфлар мулки давлат мулки деб ҳисобланади. Бу билан мадрасалар иқтисодий асоси бўлган вақфлардан маҳрум қилинган.

1927 йил 15 августда Ўзбекистон МИК ва ХКС “Вақф мулкларини Ўзбекистон ССР Мориф халқ комиссарлиги қарамоғига топшириш тўғрисида” қарор қабул қилди. Қарорда барча мулкларнинг маданий-маърифий вақф мулклари деб тан олиниши ва уларнинг ЎзССР Мориф халқ комиссарлиги қарамоғи ва ихтиёрига берилиши таъкидланган [22;19].

ЎзССР Мориф халқ комиссарлиги буйруғи билан МИК ҳамда ХКСнинг 15 августдаги қарорига ва Ўз ССР ХКСнинг 1927 йил 1 октябрдаги журнал қарорига асосан, Бош вақф бошқармаси, унинг жойлардаги бўлимлари 1927 йил 1 октябрдан тугатилди [23;203].

Бу ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон МИКнинг 1925 йил 19 декабрда тасдиқланган “Вақфлар тўғрисида”ги қарорига жиддий ўзгаришлар киритди. Бу қарор билан республиканинг ҳокимият органлари диний вақфларни давлат мулки деб эълон қилди. МИК ва ХКС нинг 1927 йил 15 августдаги 99-сонли қарорига биноан барча вақф мулклари ҳам маданий-маърифий, ҳам диний вақф мулклари 1927 йил 1 октябргача Маҳаллий хўжалик бўлимларига ижарага бериш шарти билан ЎзССР Мориф халқ комиссарлиги қарамоғига топширилди [24;29].

1927 йил 27 сентябрда ЎзССР ХКС вақф мулклари ҳақидаги масалани кўриб чиқиб, вақф мулкларини Бош вақф бошқармасидан маҳаллий хўжалик идораларига беришга қарор қилган. Унга кўра [25;60], Мориф халқ комиссарлиги, маҳаллий хўжалик бошқармасига (Местхозга) вақфларни ишлатиш учун топширади. Мориф халқ комиссарлиги тасарруфидаги савдо, саноат, омборлар бинолари, абжувоз, тегирмон, ҳаммом, ғишт заводлари, боғлар, турар жой ва хўжалик қурилмалари, чойхоналар, мадраса ҳамда қорихоналарга хизмат қилаётган ерлари билан хўжалик бошқармасига топширади.

Ўзбекистон ССР Советлари МИК ҳамда Халқ Комиссарлари Советининг 1928 йил 22 сентябрдаги “Вақф мулкларини маҳаллий советлар мулкига ўтказиш тўғрисида”ги қарори билан Мориф халқ комиссарлиги тасарруфидаги маданий-маърифий ва диний вақфлар маҳаллий советларнинг мулки деб эълон қилинди [26;48].

Бу қарорга асосан “Вақф мулкларини ЎзССР Мориф халқ комиссарлиги қарамоғига бериш тўғрисида”ги 1927 йил 15 августдаги 99-сонли ЎзССР МИК Советлари ва ХКСнинг қарорига ўзгартириш киритилди. Қарорга кўра Мориф халқ комиссарлиги қарамоғига берилган маданий-маърифий ва диний вақф мулклари маҳаллий советлар мулки деб ҳисобланди [27;15]. Мазкур қарор, 1928 йилнинг 1 октябридан тўла кучга кирди. Қарорга кўра, барча диний муассасаларнинг вақф мулклари тугатилди, улар маҳаллий советлар мулкига айлантирилди. Ўз ССР МИК ва ХКС маҳаллий советларга масжидлар биноларини белгиланган тартибда, диний жамоаларнинг тавсияси билан намоз ўқиш учун беришга рухсат этади. Бу билан мадрасалар нафақат вақф мулкларидан, балки ўз биноларидан ҳам маҳрум бўлганлар.

Ўзбекистонда ер-сув ислоҳотининг охирги босқичи 1928-1929 йилларда Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм округларида амалга оширилган. Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитети 1928 йил 1 ноябрда “Ўзбекистон ССР Қашқадарё ва Сурхондарё округларида меҳнат қилмай йирик ердан фойдаланишни тугатиш тўғрисида”ги ҳамда 1928 йил 2 декабрда “Хоразм округида меҳнат қилмай йирик ердан фойдаланишни тугатиш тўғрисида”ги декретлар қабул қилди. Юқорида кўрсатилганидек, Ўзбекистон МИК ва ХКС нинг 1927 йил 15 августдаги қарорига асосан диний вақф ерлари ҳам давлат мулки деб эълон қилинган эди. Шундан келиб чиқиб, ҳар иккала қарорда шундай ёзилган эди: “Ерсиз ва кам ерли деҳқонларни ер билан таъминлаш фондига қуйидаги ерлар ўтказилсин... собиқ маданий-аърифий ва диний вақфлар”[28].

1928 йил 13-19 ноябрь кунлари II чақириқ Ўзбекистон Советлар МИКнинг 4-сессияси бўлиб ўтади. Унда вақф масалалари ҳам кўрилди. Унга кўра, давлат ер мулки таркибидаги собиқ маданий-маърифий, диний вақф ерлари ерсиз ва кам ерли деҳқонларга ҳамда меҳнат бирлашмаларига фойдаланиш учун берилиши бўйича ҳукумат махсус қарор қабул қилади[29;262]. Қарорга асосан, барча мадрасаларнинг вақф ерлари батрак, чоракор, ерсиз ва кам ерли деҳқонларга тақсимлаб берилган. Ҳукумат томонидан чиқарилган бу қатъий қарор мадрасаларнинг вақф мулклари тамомила йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлди.

1928 йил 18 ноябрда ЎзССР МИК Советларининг иккинчи чақириқ IV сессияси “Эски усул мактаб ва мадрасаларни тугатиш тўғрисида” қарор қабул қилади [30;15,61]. Ушбу қарорнинг 3-банди билан бошқа диний мактаблар қатори мадрасалар фаолиятининг тугатилишига доир, яъни диний мактаблар, шу жумладан, мадрасалар, қорихоналарда мактаблар ва дин ўқитиш ҳақидаги мавжуд қонун ҳамда буйруқларни қатъий суратда татбиқ қилиб туриш округ ижроия комитетлари зиммасига юклатилган [31].

Юқоридаги қарор асосида ЎзССРдаги барча мадрасалар ёпиб қўйилди ва шу билан совет таълим тизимининг якка ҳукмронлиги тўлақонли кучга кирди[32;26].

Хулоса тарзида таъкидлаш жоизки, XX асрнинг 20-йиллари бошларидан Туркистон АССРда диний олий таълим масканлари бўлган мадрасалар ислоҳ қилинди, лекин ислоҳотлар жараёни узоққа чўзилмади. 1924 йилдан Бош вақф бошқармаси ташаббуси билан мадрасалар II босқич ягона меҳнат мактаби дастурига ўтказилиб, советлаштирилди. Улар ҳам турли хил чеклашларга қарамай, 1928 йилгача фаолият олиб бордилар. Совет органлари мадрасаларнинг иқтисодий асоси бўлган вақф мулкларини давлат ихтиёрига ўтказишга зўр бериб ҳаракат қилди. 1928 йилда ЎзССР Советлари МИК ва ХКСнинг чиқарган қарорига кўра, мадрасалар вақф мулклари маҳаллий советларнинг мулкига айлантирилди. Мадрасалар ёпилиб, уларнинг бинолари турли ташкилот ва муассасалар ихтиёрига ўтказиб юборилди. Шундай қилиб, минг йиллик тарихга эга бўлган мадрасалар фаолияти тўхтатилди ва уларнинг вақф ерлари камбағал деҳқонларга бўлиб берилди. Бу эса туб аҳоли маърифати ва маънавий қиёфасининг шаклланишига, шубҳасиз, салбий таъсир этди.

АДАБИЁТЛАР:

[1] Съезды Советов (в документах).Сборник документов в 3-х томах. Т.1. – М.: Госюрлитиздат, 1959 [2] ЎзР МДА, Р.36-фонд, 1-рўйхат, 24-иш. [3] Алимов И.А. Эски мактаб ислоҳоти ташаббускори // Халқ таълими.- Тошкент,-№10-12. [4] ЎзР МДА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 394-иш. [5] ЎзР МДА, Р.94-фонд, 1-рўйхат, 320-иш. [6] Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917-1926 гг). Сборник документов.-Т.: 1962. [7] ЎзР МДА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 43-иш. [8] Андижон вилояти давлат архиви (АВДА), 59-фонд, 1-рўйхат, 38-иш. [9] ЎзР МДА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 55^{A} – иш. [10] ЎзР МДА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 302-иш. [11] ЎзР МДА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 2277-иш. [12] Образование и деятельность Коммунистической партии Туркестана (Летопись событий).-Т.: Узбекистан, 1966 [13] ЎзР МДА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 2762-иш. [14] ЎзР МДА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 1758-иш. [15] ЎзР МДА, Р.904-фонд, 1-рўйхат, 34-иш. [16] ЎзР МДА, Р.904-фонд, 1-рўйхат, 32-иш. [17] ЎзР МДА, Р.86-фонд, 1-рўйхат, 2140-иш. [18] ЎзР МДА, Р.94-фонд, 1-рўйхат, 313-иш. [19] Первый всеузбекский съезд Советов. Стенографический отчет.-Ташкент: 1925. [20] ЎзР МДА, Р.86-фонд, 1-рўйхат, 2396-иш. [21] АВДА,129-фонд, 1-рўйхат, 1-иш. [22] ЎзР МДА, Р.94-фонд, 1-рўйхат, 319-иш. [23] ЎзР МДА, Р.94-фонд, 1-рўйхат, 585^{A}- иш. [24] ЎзР МДА, Р.837-фонд, 3-рўйхат, 501-иш. [25] Маориф ва ўқитғувчи.-Тошкент, 1927.- №3-4. [26] ЎзР МДА, Р.837-фонд, 5-рўйхат, 501-иш. [27] ЎзР МДА, Р.86-фонд, 1-рўйхат, 4676-иш. [28] Камбағал деҳқон.1928. 14 декабрь. №48 (182). [29] Собрание узаконение Уз ССР.- М.: 1928.- №37. [30] ЎзР МДА, Р.89-фонд, 1-рўйхат, 4773– иш [31] Правда Востока.-1928.-17 дек. [32] Чориев А.Х. Народное образование и подготовка педагогических кадров в Узбекистане в условиях советского тоталитаризма: противоречия между системами традиционно-национальной и советской (20-30-е годы): Автореф. дис. ... докт. ист. наук. -Т.: ИИ АН РУз, 1998.

Андижон давлат университети,
2010 йил 12 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)